

11 ноябрь 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама ҳужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **“MEAT MARKET 21” МСНҲ** (кейинги уринларда **«Сотувчи»** деб аталади) номидан раҳбари Д.Актамов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Мактабгача таълим бўлими** номидан раҳбари **О.Зияева** (қелгусида **«Харидор»** деб аталади) урталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича **«Сотувчи»** шартноманинг 1,2бандида кўрсатилган махсулотларни белгиланган муддатларда **«Харидор»** га сотишни, **«Харидор»** махсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. **«Сотувчи»** жадвалда кўрсатилган 2022-2023 йиллар қиш ва баҳор мавсуми учун захира картошка махсулотларни **«Харидор»** га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Махсулот қиймати	ККС	Сумма
1	Захира картошка	кг	83300	4400	366520000		366520000
	ЖАМИ:						366520000

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси **366520000** (Уч юз олти миш олти миллион беш юз йигирма минг) сўмни ташкил этди.

2. ТАРАФЛАРНИ ХУКУЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

- а) Шартномада кўрсатилган муддатларда ҳисоб китоблар амалга оширилишини **«Харидор»**дан талаб қилишга;
- б) **«Харидор»** шартнома шартларини бузган ҳолда махсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, **«Сотувчи»** шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- в) **«Харидор»** томонидан махсулот учун ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- г) **«Харидор»** шартномани 2.4- бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, **«Сотувчи»** махсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан қўрилган зарарни **«Харидор»** дан талаб қилишга ҳақлидир;

2.2 «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

- а) Шартномада кўрсатилган махсулотни **«Харидор»** томонидан берилган буюртмада кўрсатилган миқдорда ва муддатларда ўзига тегишли бўлган омборидан бериш;(сотиш).
- б) Етказиб берилаётган махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос қилишни таъминлаш;
- в) **«Харидор»** га етказиб берган ҳар қанча махсулоти учун 2 нусхада ҳисоб фактура тақдим қилиб борилади ва ой якунида тўлиқ етказиб берилган махсулоти учун мактабгача таълим бўлими марказий ҳисоб хонасига якуний ҳисоб фактура тақдим этиши лозим;
- г) Махсулотга тўлов ёки товар транспорт ҳужжатларини махсулот қабул қилинган куни расмийлаштириб бериш;
- д) **«Сотувчи»** махсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;
- е) Агар **«Сотувчи»** шартномани 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, **2022 йил 20 ноябрьгача** **«Харидор»**га сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;
- ё) Махсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, **«Харидор»**га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

2.3. «Харидор»нинг ҳуқуқлари

Махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос қилишни **«Сотувчи»**дан талаб қилиш; **«Сотувчи»**дан ушбу шартномада кўрсатилган махсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган махсулот етказиб берилганда **«Харидор»** ўз хоҳишига кўра **«Сотувчи»**га махсулотни қайтариш;

Зарур сифатидаги махсулотни **«Сотувчи»** ўз ҳисобидан **«Харидор»**га қайта етказиш;

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этиш.

«Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақлидир.

2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

а) Махсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегили ҳақни олдиндан 30% миқдорида тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўла беришни ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонуни ҳужжатлари талабларга мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

3.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги махсулотни қабул қилиш бўйича яқуний ҳужжатлар тузилган сана «Сотувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Яқуний ҳисоб китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасасидаги штампда кўрсатилган сана махсулотга ҳақ тўлаш бўйича «Харидор» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

3.3. Олинadиган туркумдаги махсулот учун тегишли бўлган ҳақ «Сотувчи»нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «Сотувчи» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги махсулотни «Харидор»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

3.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги махсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

3.5. Махсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Харидор»да келадиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

«Харидор»илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд махсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қилади.

3.6. «Харидор» махсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, махсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақланишига «Харидор»нинг ўзи жавоб беради.

4. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

4.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган махсулотни сифати ГОСТ, ТШ талабларига жавоб беришни таъминлайди, махсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

4.2. Махсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

5. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Махсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5.2. Махсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «Сотувчи» «Харидор»ни ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг, «Харидор» етказиб бериладиган туркум махсулот баҳосини 30% миқдорда олдиндан ҳақини тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

5.3. Агар етказиб берилаётган махсулотга (хом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва хоқозо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу махсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. «Харидор» «Сотувчи» дан етказиб берилган «Товар» сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, «Буюртмачи» «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ «Товар»ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Сотувчи»дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган «Товар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.2. «Харидор» томонидан «Сотувчи»га йиллик берилган буюртмаларни «Харидор» ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Акс ҳолда «Харидор»дан «Сотувчи»га Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) «Товар» суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган «Товар»лар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

6.3. «Сотувчи» томонидан етказиб берилган «Товар» учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи «Харидор» томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.4. “Харидор” томонидан “Сотувчи”га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни “Сотувчи” асоссиз равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун “Сотувчи” “Харидор”га мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

7.1.Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ва ҳоказо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

8.НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

8.1.Ушбу шартномани бажарилиш тартиби юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал этилади.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар итисодий суди томонидан хал қилинади.

9.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1.Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2.“Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

10.ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1.Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2022 йил 31 декабргача тўла ижро этулгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома ва унга киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар ёзма шаклда тузилади ва ҳар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Ҳазначилик бўлимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

“MEAT MARKET 21” МСНҲ

Бағдод шаҳарчаси

Х/р: 20208000305359821001

Банк АТБ Ҳамкорбанк Кукон филиал

МФО: 00856 ИНН: 308288750

Телефакс 94 495 87 77

Рахбар:



«ХАРИДОР»

Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими

Бағдод тумани

Шх/р:100022860302097091100251038

СТИР:305153881 Оқонх:

Молия Вазирлиги Ҳазначилиги ягона

Ҳазна ҳисоб варағи МФО 00014

Х/Р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент в.ХКММ

Ҳазначилик бўлими СТИРи 201122919



Рахбар:

О.Зияева

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HP3513673435

1. Loyi haning turi – Shartnoma
2. Loyi haning nomi- Mahsulot yetkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Shartnoma loyixasi Bag'dod tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 9 noyabr 2022-yil kuni taqdim etilgan.

Bag'dod tumani maktabgacha ta'lim bo'limi "MEAT MARKET 21" MCHJ o'rtasida 366520000 (Uch yuz oltmish olti million besh yuz yigirma ming)so'mlik oziq ovqat maxsulotlari yetkazib berish to'g'risida.

Shartnoma loyixasi amaldagi Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida "gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi fuqarolik kodeksi talablari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bag'dod tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.S.Xamidov

09.11.2022